

Пудрат шартномаси № 2

« _____ ».

Қоровулбозор ш.

2022 йил 1 июль

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Қоровулбозор “Техник таъминлаш ва Бутлаш” ШК номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Исамов А.А. бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «MJH GROUP» МСНЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Мухидинов Х.Ю. иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартига асосан “ 4АЗМП-1250/6000УХЛ4 КВТ 1600 3000 об/мин маркали электродвигатель”ни етазиб бериш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига уни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг 2022 йил “ 01 ” июлдаги Харид комиссиясининг ЭЦП орқали имзолаган № 111458 сонли лот бўйича конкурс натижалари баённомаси қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 470 000 000 (турт юз етмиш миллион) сўмни ташкил этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича етказиб бериш ишларини бажарилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- етказиб бериш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Етказиб бериш муддати

6. Танлов натижаси бўйича аниқланган кундан эътиборан 5 кунни ташкил этади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг олдиндан 30 % миқдоридан электродвигатель етказиб берилгандан сўнг уткази, қолган 70% миқдорини 90 кун ичида тулаб беришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи электродвигатель топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Электродвигатель Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

9. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

11. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VIII. Электродвигателни қабул қилиб олиш

12. Электродвигателни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

13. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб электродвигатеоль Буюртмачининг мулкига айланади.

IX. Кафолатлар

14. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- электродвигателдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни

ўз вақтида бартараф қилинишни;

15. Электродвигателнинг кафолатли даври қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 24 ой этиб белгиланади.

16. Агар электродвигателдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

17. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

X. Шартномани бекор қилиш

18. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин электродвигателни етказиб беришни Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

19. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

20. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

21. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

22. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

23. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

24. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,01 % (фоиз) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 % (фоиз) дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

25. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 10 % (фоиз) миқдорига жарима тўлайди.

26. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 (фоиз) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 % (фоиз)дан ошмаслиги лозим.

27. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг

учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 1 % фоизи миқдоридан ундириш ҳуқуқига эга.

28. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

29. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

30. Пудратчи шартномада белгиланган муддатда мол-мулкни етказиб бермаганлиги учун етказиб берилмаган мол-мулк кийматининг 15% миқдоридан жарима тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

ХII Низоларни ҳал этиш тартиби

31. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

ХIII. Алоҳида шартлар

32. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувларни ўз кучини йўқотади.

33. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

34. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

35. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

36. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

БУЮРТМАЧИ:

Коровулбозор «Техник таъминлаш ва Бутлаш»

Манзил: Коровулбозор ш, Чулқувар кучаси

Тел/факс 9730093333, 973001500

х/р: 20210000204001099001

Банк: Уз СКБ Бухоро вилоят филиал

СТИР 202917393

МФО 00440

Раҳбар: _____ Исмамов А.А.

Ҳуқуқшунос: _____

Булим бошлиғи: _____



ПУДРАТЧИ:

«M JH GROUP» MCHJ

Манзил: Фарғона вилояти, Кува тумани,

Кува ш. Ёмонжар кучаси 71

Тел: 906346261, 902774824

Х/р: 20208000301033828001

Банк: АИТБ "ИПОТЕКА БАНК" Фарғона

вилоят филиали МФО 00544

СТИР 306163766

Раҳбар: _____

